

“31” август 2022 й

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 3

Нукус шахри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган номли Республика болалар фтизиатрия санаторияси «Низом» асосида иш берувчи бошлик: Г.Бабажанов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “ADILBEK TEXNO STROY”МЧЖти си номидан «Устав» асосида иш курувчи **М.Ибраимов** иккинчи томондан, санатория биносини жорий таъмирлаш ишларига мазкур пудрат шартномани туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиши** - ишларнинг ҳар бир босқичи ваёки турлари қийматини аник белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига кўра санатория биносини жорий таъмирлаш ишларига учун умумий суммаси **540 000 000,00** (беш юз кирик миллион) сум (ҚҚС билан бирга, ҚҚС суммаси 70 434 782,61 сум) бўйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми ва тури қатъий равиша ўзгартирилмайди (қонунда кузда тутилган ҳоллар бундан мустасно); объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ваёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқкурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

курилиш майдони қўриклини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

- 8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчи томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

· мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқхажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

### 10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун хужжатларига мувофиқрўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан        кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (уттиз) фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **162 000 000,00** (бир юз олтмиш икки миллион) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тulos "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳукуқни ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўққилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгаришилар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупро ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

• 24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинга улашни ва улаш нұкталарыда янгидан қурилған коммуникацияларни улашни Пудратчи амалға оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда күлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларыда күрсатилған спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор киласди.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталған қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилғанлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сириради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлади.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларыда аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишида узайтирилади.

32. Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласдилар.

33. Агар томонлар икки ой ичиде келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

ложиқа хужжатларига қамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун күлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларыда кўрсатилған сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

Мавжуд нусонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлами далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нұқсонлар ва чала ишлар күрсатилған далолатномани түзишдан ёки имзолаща тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитектқурилишназорат" органдары томонидан анықтады, бу томонларнинг ушбу масала бүйича хұжалик судига мурожаат килишини истинос атмайды.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 36. Буюртмачи:

шартнома күчга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига бөлік бүлмага; сабабларга күра Пудратчи томонидан бир ойдан күп вактта кечикирилғанда;

ишларни тутатишининг мазкур шартномада белгиланған муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатта күпайған холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш мөъерлари ва қоидаларida назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келдиган даражада бузилғанда;

конун хужжатларига мувофиқ башка асослар бүйича шартноманинг бекор қилинишини талаб килиш хукукига зга.

### 37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига бөлік бүлмаган сабабларга күра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатта түхтатиб қўйилғанда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофиқ башка асослар бүйича шартноманинг бекор қилинишини талаб килиш хукукига зга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга карор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларida ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, башка конун хужжатларida хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда башкача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда күрсатилған ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланған башка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилған ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.01фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки күрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилған ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равиша бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.03 фоизи микдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилған ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.05 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нұқсонлар ва качиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилған ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилған ишлар кийматининг 0.01 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилған ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

46. Агар бажарилған ишлар сифати белгиланған стандартларга, курилиш мөъерлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг холосаси асосида обьектни кабул килиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши,

шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдорида жарима ундириш хукукига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганини учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мulkнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пена билан копланмаган заарларни коплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганини учун пена тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

### XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги конунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай акдлашувни асосланган холда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хақ тўлашни кечикиришга ҳаклидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Шартнома Газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва амал килиш муддати «31» декабрь 2022 йилгacha хисобланади.

### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

ПУДРАТЧИ	БУЮРТМАЧИ
ООО "ADILBEK TEXNO STROY"	Республика болалар фтизиатрия санаторияси
Манзил КР Нукус шахри 22 мк/р дом 1а кв 8 Телефон +99893486 52 03 СТИР 308371174 ОҚЭД	Манзил КР Нукус шахри Нурмуҳамедов №110 Телефон 61 2245201 СТИР 202035029 ОҚЭД
Банк МФО 00401 Х/Р 2020 8000 4053 7425 7001 Банк номи Тошкент шахар “Алокабанк”ХА банкининг бош офиси	Банк МФО 00014 Х/Р 23402000300100001010 Банк номи Марказий банк Тошкент шахар хисоб-китоб кассаси маркази ШХР
Жамият раҳбари М. Ў	Ташкилот раҳбари Г. Бабажанов М. Ў

ЮРИСТ

М.Ибраимов  
3. Йурибайдов





Республика балалар фтизиатрия санаториясы “Товар-материаллық запаслар хам ишерди хызметтерди) сатып алыў бойынша таңлау комиссиясы”ның ен жаксы уысыларды таңланалык бойынша откөрилген

2022-жыл “31” август

Катнасышылар  
Комиссия баслығы  
Комиссия ағзалары

Комиссия секретары

(Ф.И.Ш)  
Г.Бабажанов  
К.Козекеев  
З.Туребекова  
З.Утегенова  
К.Таженова  
Ж.Пирлепесова

(Лаұазымы)  
Бас шыпакер  
Бас бухгалтер  
Юрист  
Касиiplик аукам  
Кадрлар бойынша канийге  
Экономист

Хожели районы

### KUN TERTIBI:

Республика балалар фтизиатрия санаториясы - Таңлап алыў комиссиясы баслығы Г.Бабажанов мәжлисте таңлау комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам катнасып атырганлығын айтЫп өтип, таңлау комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткери таңлау комиссиясына төмендеги маглыұматларды усынды:

Өзбекстан Республикасының 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санда “Мамлекет сатып алыўлар ҳақында”ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда-Нызам) 58-статьясына мууапык ен жаксы усынысларды таңлап алыў откөрiliи ҳақында арнаұлы информацион порталында (<http://etender.uzex.uz>) дағаза таңлап алыў катнасышыларының кабыл етиў мүддети тамамланыуынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекеттік бүйретпашы тәрепинен жеке кабинети арқалы жайластырылған 2022 жыл 18 август күнги 22110012139899-санда лот бойынша 2022-жыл 26-август күнги 41181-санда баянламасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекеттік сатып алыўлар ҳақында”ғы Нызамы талапларына ҳәмде жоқары көрсетилген маглыұматларды есапка алып Таңлау комиссиясы

### КАРАРЕДЕДИ:

1. Республика балалар фтизиатрия санатория имаратын женил ремонт жумысларын әмелге асырыў откөрилген таңлап алыўда таңлап алыу хүжжетлеринде ҳәм таңлау шартлери бойынша ең жаксы шәртлерди усынған менен шартнама дүзилсін.

2. Женимпаз мекеме таңлап алыў шартлери тийкарында шартнама дүзиуден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиу хукукы кейинги катнасышы (резерв) стип, “QARAQUALPAQ TAUEKEL QURILIS” ЖЦДК белгиленсін, Бунда женимпаз катнасышы усыныс еткен суммасынан аспаған мұғдарда шартнама дүзиу мүмкінligi белгилеп койылсЫн.

3. Нызам талапларына мууапык таңлау катнасышыларының усынысларын көріп шығыу ҳәм баҳалау мүддети усыныслар беріу тамам болыуынан 10 (он) жумыс күннен асып кетиўи мүмкін емеслиги маглыұмат ушын кабыл етілсін.

4. Мекеменин бас есапшысы – Н.Козекеев таңлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хүжжетлерин таярлау ҳәмде шартнама дүзилген сон 3 (үш) жумыс күни ишинде арнаулы информацион порталына ([www.etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) жайластырыу тапсырылсЫн.

5. Таңлау комиссиясы хаткери (Ж.Пирлепесова), усы таңлап алыу тийисли барлық хүжжетлерди белгиленген тартыпте сакланыуын тамийнлесін.

Катнасышылар

(Ф.И.Ш)

Комиссия баслығы

Г.Бабажанов

Комиссия ағзалары

К.Козекеев

Имzaсы

(Лаұазымы)

Бас шыпакер

Бас бухгалтер

Юрист

Комиссия секретары

Ж.Пирлепесова

Касиiplик аукам

Кадрлар бойынша канийге

Экономист